

ИНВАЗИОН КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ИЛМЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

*Мамасова Феруза - эркин тадқиқотчи
Жиззах вилояти Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш
бошқармаси ходими*

Аннотация. Республикамиз хухудида кенг таркалишга эга булган инвазион касалликларни даволаш ва олдини олиш борасида *МДХ* ҳамда мамлакатимиз олимлари томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотлар йуналиши ва ушбу касалликларни бартараф этишда янги илмий ва амалий ёндашувлар баён этилган.

Аннотация. Описаны направления научных исследований, проводимых учеными *MDX* и нашей страны по вопросам лечения и профилактики инвазионных заболеваний, широко распространенных в нашей республике, и новые научные и практические подходы к ликвидации этих заболеваний.

Abstract. The direction of scientific research conducted by the scientists of *MDX* and our country regarding the treatment and prevention of invasive diseases, which are widespread in our republic, and new scientific and practical approaches to the elimination of these diseases have been described.

Калим сузлар. Инвазион касалликлар. трематодоз. фасциолёз. парамфистаматоз. дикроцулиоз. мрнезион. авителлиниоз.

Key words. Invasive diseases. Trematodosis. fasciolosis. paramphistamatos. dicrotsuliosis. mrnezion. Avitelliniosis.

Ключевые слова. Инвазивные заболевания. Трематодоз. фасциолёз. парамфистаматоз. мрнезион. Авителлиниоз.

Кириш ва мавзунинг долзарблиги. Инвазион касалликлар республикамизнинг барча хуудларида кенг таркалган булиб, чорвачиликни ривожланишига айникса чорвачилик махсулотларининг етиштирилишига сезиларни салбий тасир курсатиб келмокда. Бундай касалликлар ичида трематодозлар, цестодозлар ва шу каби паразитар инвазион касалликлари алохида ахамиятга эга. Кишлок хужалик хайвонлари ва паррандалар хаттоки баликлар орасида юкоридаги инвазион касалликлари кенг таркалган булиб, касаллик кузгатувчилари хайвонларнинг турли орган ва тукумаларида паразитлик килиб хар хил окимда кечувчи касалликларни келтириб чикаради. Натижада касалланган хайвонларнинг усиши ва ривожланиши сустлашади, махсулдорлиги кескин камаяди хаттоки купчилиги нобуд хам булади.

Адабиётлар тахлили. Ш пайтга қадар *МДХ* ва Республикамизда Р.С.Шульц, К.И.Скрябин, Н.Б.Баданин, М.Ш.Акабоев, Ш.А.Азимов, А.В.Зубов, Дж.Азимов, Б.Салимов, Х.Салимов, Э.Б.Шакарбоевларнинг олиб борган илмий тадқиқотлари асосан гельминтоз касалликларнинг систематикаси, эпизоотологияси, биоэкологияси, патогенези, клиник белгилари, патанатомияси, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқаришга қаратилган булиб, бу борада сезиларли илмий ютуқларга эришилган.

Олиб борилган тадқиқотларда инвазион касалликларга чалинган хайвонларни даволашда ва олдини олишда антигельментик препаратлардан фойдаланиш яъни кимёпрафилактика асосий уринни эгалламокда.

Бу препаратларни бир неча бор куллаш натижасида хайвонлар организмида захарли ва токсик моддалар микдори ошиб, интоксикация, иммун курсатгичларни меёнидан пасайиши гушт ва сут махсулотларининг сифатини стандарт талабларига тугри келмаслигига олиб келмокда. Гельментларнинг хайвон организмига курсатадиган патологик таъсири ва бу таъсирга жавобан хайвон организмида юзага келадиган иммунобиологик жараёнларни урганиш натижалари шуни курсатадики, купчилик муаллифларнинг тажриба натижаларига кура, хайвонларни даволаш учун кулланилган антигельментиклар хайвонларнинг гематологик

ва иммун курсатгичлари 15-20 кун давомида сезиларли даражада пасайганлиги кузатилган. Тажрибанинг 30-кунига келиб меёр курсатгичлари тенглашган.

Бизнинг мулохазаларимиз гельминтозларнинг олдини олишга каратилган тадбирлар куйидаги йуналишда амалга оширишни таклиф этамиз:

Инвазион касалликларга карши курашишнинг умумий профилактик чора-тадбирлари: карантин, трематодозлар ва цестодозларга карши курашнинг уйгушлашган тадбирлардан иборат мажмуаларни уз ичига олади.

Хайвонлар оранизмида учрайдиган гельминтларга карши курашиш, одамлар орасида ҳам ушбу касалликларни олини олишга картилган булиши керак. Инвазион касалликларни олдини олишга каратилган тадбирлар куйидагича узгаришларда оли борилади.

Умумий профилактик чора-тадбирлар: Хайвонларни тула кийматли озиклантириш зоогигиеник шароитларни яхшилаш, яйловларнинг холатини назорат килиш, сув ичадиган жойларнинг гигиеник холатини яхшилаш, гунгларга биотермик ишлов бериш, ахоли кулидаги ва хужаликдаги хайвонларни четга олиб чикишга паразитар касалликларга текшириш, хужаликка четдан келтирилган хайвонларни махсус текширишлардан утказиш уларга карантин жорий килиш зарур холларда гижжасизлантириш, хайвонларни яйловларнинг курук жойларида бокишга эътибор каратиш.

Яйловларни алмаштириб туриш, энг мухум тадбирлардан бири хисобланади. Чорва молларини гельминтлар билан зарарланиши асосан яйлов шароитларида кечади. Йилнинг иссик фасилларида гельминт тухумларидан личинкаларни ташки мухитга чикиши ва инвазион даражага етиши тезлашиб, атроф-мухитни кучли даражада зарарлайди. Яйловлар ва бошка хайвонлар бокиладиган далалардан режасиз, устма - уст фойдаланиш натижасида кишлок хужалик хайвонларининг турли гельминтоз касалликларига чалиниш даражаси ошади. Купгина гельминтларнинг тухум ва личинкалари ташки мухитда бир йилдан ортик яшай олмайди. Шунини эътиборга олган холда мавжуд худидларда хайвонлар бокилмаса турли абиотик омиллар таъсирида каалликни таркалишида иштирок этувчи тухум ва личинкалар нобуд булади. Хужаликларда касаллик сезиларли даражада камайиб хайвонларнинг махсулдорлиги ошади. Ёш ва катта хайвонларни алохида бокиш, уларни гельминтоз касалликлардан мухофаза килишда мухум омиллардан бири хисобланади. Ёш хайвонлар гельминтозлар таъсирига чидамсиз булиб, уларда химоая воситалари кучсиз ривожланган булади. Катта ёшдаги хайвонлар эса инвазион касалликларни таркалишида манба булиб хизмат килади.

Карантин тадбирлари. Хужаликларга келтириладиган ёки хужаликдан юбориладиган чорва молларини гельминтологик текширувдан утказиш. Агар зарарланган хайвонлар булса улар алохида биноларда бокилиб, бир ёки неча марта такроран гельминтсизлантирилади. Хайвонларни гельминтлардан тулик халос булганига ишонч хосил килингандан сунг хужаликка киритиш тавсия этилади.

Гунгни биотермик усулда зарарсизлантириш: Гельминтозлар билан зараланган хайвонлар тухум ва личинкаларини ташки мухитга тезаги билан ажратади. Гунг гельминтлар тухуми ва личинкалари ривожланиши учун энг кулай мухит хисобланади. Улар гунгда ташки мухит таъсиридан (совук, иссик, куруб колишдан) узларини химоая килишади. Гунг сув манбаларига якин жойда сакланса, паразитнинг тухум ва личинкалари ёмгир ва кор сувлари билан ховуз, кул, окар сувларга тушиб, оралик хужайинлари булган моллюска, ёмгир чувалчанги ва бошка умурткасиз хайвонлар организмига утиб узининг инвазион стадиясига етади. Инвазиянинг сув манбалари ва яйловларга таркалмаслиги учун молхона ва паррандахоналарни гунглардан уз вактида тозалаб, уларни тулик зарарсизлантириш зарур. Бунинг учун гунгхонадаги тезакни биотермик усулда зарарсизлантириш энг яхши усул хисобланади. Гунгни биотермик усулда зарарсизлантирилганда унинг ичида микроорганизмлар таъсирида температура кутарилиб (+70 С) купгина инфекцион ва инвазион касалликларнинг кузгатувчилари нобуд булади. Нобуд булган хайвонлар ва уларни

зарарланган органларини зарарсизлантириш гельминтозларга карши курашда мухим тадбирлардан бири хисобланади.

Ихтисослаштирилган хужаликларда утказиладиган тадбирлар:

Ихтисослаштирилган хужаликларда инвазион касалликларга карши кураш ва олини олишда хайвонлар ёши, зоти ва махсулдорлигига караб тармоқларга ажратилади. Масалан, корамолчилик, куйчилик ва чучкачилик фермалари орасидаги масофа 1-2 км, бир тур хайвонлар сакланадиган фермалар ораси эса 250-500 м масофада булиши тавсия этилади. Инвазион касалликлар, шу жумладан трематодозлар ва цестодозлар кузгатувчиларига карши кураш чора-тадбирларининг асоси булиб, кимёвий, биологик ва физикавий кураш чоралари хисобланади.

Дегельминтизация (*гигиенасизлантириш*)-кимёвий дори моддалари антигельминтик оркали хайвонлар организмни гельминтлардан халос этиш. Бу усул гельминтозларга карши даволаш организмни гельминтозлардан тозалаш йули билан инвазион элементларнинг ташки мухитда таркалишини олди олинади. Дегельминтизациянинг самарадорлиги юкори сифатли антигельминтикларга боглик булади.

Деинвазия ташки мухитда одам, хайвон ва усимликларни инвазион касалликларни чакирувчи элементларини (гельминтлар тухуми, личинкалари ва бошкаларини) йукотиш тушунилади. Деинвазиянинг механик, физикавий, кимёвий ва биологик усуллари бор

Хулоса.

1. Инвазион касалликларнинг биологияси тараккиёт боскичлари тугри тахлил килган холда даволаш ва олдини олиш тадбирларини режалаштириш.
2. Хайвонларни гигиенасизлантириш муддатларини хайвонларнинг яшаш шароити ва индивидуал хусусиятларини эътиборга олган холда уз вақтида олиб бориш максатда муофик.
3. Гельминтоз касалликларни прогноз килишда худудларнинг биогеографик жойлашуви ва биоэкологик хусусиятларига эътибор каратиш

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Даминов, А. С., Хашимов, Б. С., & Хушназаров, А. Х. (2018). ЭПИЗООТОЛОГИЯ И ЛЕЧЕНИЕ ПАРАМФИСТОМАТОЗА КРУПНОГО РОГАТОГО СКОТА. In *Современное состояние, традиции и инновационные технологии в развитии АПК* (pp. 76-83).
2. Oripov, A. O., Davlatov, R. B., & Yo'ldoshiv, N. E. (2016). Veterinariya gelmintologiyasi. *Toshkent-2016*.
3. Berdiyevich, D. R. (2023). GELMINTOZLARGA TASHXIS QO 'YISH USULLARI. *Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi*, 10(1), 3-13.
4. Салимов, Б. С., & Даминов, А. С. Зоология. *Тошкент-2018*, 35-38.
5. Бакиров, Б., Рўзикулов, Н. Б., & Даминов, А. С. (2017). ва б. лар. Хайвонлар касалликлари. Маълумотнома (Ўқув қўлланма). Самарқанд: "Насимов" ХК, 600.
6. Элмуродов, Б., & Набиева, Н. (2024). Эффективность антибиотиков при лечении пастереллёза кроликов. *in Library*, 1(1), 134-140.
7. Элмуродов, Б., & Абдураимова, Г. (2024). Профилактика и лечение отравления овец гелиотропом. *in Library*, 1(1), 243-249.
8. Элмуродов, Б., & Киямова, З. (2024). Потоморфологическая дифференциальная диагностика пуллороза и стрептококковых заболеваний птицы. *in Library*, 1(1), 79-84.
9. Elmurodov, B. A. (2024). PATHOLOGICAL CHANGES IN CHICKS INFECTED WITH SALMONELLA PULLORUM GALLINARIUM. *Ustozlar uchun*, 57(2), 398-413.
10. Набиева, Н., & Элмуродов, Б. А. (2024). ЧОРВАЧИЛИКДА ИНФЕКЦИОН КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ. *World scientific research journal*, 26(2), 155-163.
11. Элмуродов, Б., Набиева, Н., & Наврузов, Н. (2023). Коммерческие вакцины для профилактики пастереллёза кроликов и других животных. *in Library*, 4(4), 322-324.
12. Элмуродов, Б., & Абдураимова, Г. (2023). Виды гелиотропных растений и отравление (гелиотропотоксикоз). *in Library*, 3(3), 30-31.